

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВ ЖАХОНГИР РАББОНАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ
ҚЎЛЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув
ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the doctor of philpsophy (PhD)

Шукуров Жахонгир Раббонаевич

Ўзбекистон Республикасида ярашув институтини қўллаш ва уни
такомиллаштириш истиқболлари..... 3

Шукуров Жахонгир Раббонаевич

Перспективы применения и совершенствования института
примирения в Республике Узбекистан..... 27

Shukurov Jakhongir Rabbonayevich

Prospects for the application and improvement of the institute of
reconciliation in the Republic of Uzbekistan..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВ ЖАХОНГИР РАББОНАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ
ҚЎЛЛАШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув
ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Уу1354 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.proacademy.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тулаганова Гулчехра Захитовна юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Астанов Истам Рустамович юридик фанлар доктори, профессор Миразов Даврон Мирагзамович юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Уу.67.01 рақамли илмий кенгашининг 2025 йил «11» ноябрь соат 15-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (70-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил «27» октябрь куни тарқатилди.

(2025 йил «27» октябрдаги 34 - рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ю. ф.ф.д.(PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда демократиянинг ривожланиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларига риоя этилиши устуворлиги шароитида томонларнинг ярашуви, медиация, жиноят процессуал кодексини соддалаштириш масалалари, жиноят процессуал кафолатларини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Айрим хорижий давлатларда ярашув институти жабрланувчи манфаатларини тез ва ишончли ҳимоя қилиш, суд тизими юқини енгиллаштириш, жиноят содир этган шахсларни қайта ижтимоийлаштириш, низоларни судгача тинч ҳал этиш ва жиноятларнинг олдини олишда муҳим йўналиш сифатида ривожланмоқда. Ушбу механизмлар низоларни судгача бўлган босқичда ҳал этиш орқали суд амалиёти самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Халқаро статистик маълумотларга кўра, барча низоларнинг 30-40 фоизига ярашув қўлланилиб, уларнинг 85 фоизида ижобий натижаларга эришилади. Глобал даражада ярашув жиноятларни камайтиришда самарали ҳисобланиб, қайта жиноят содир этилишини 20-30 % га пасайтириш имконини беради¹.

Жаҳон амалиётида ярашувни такомиллаштириш учун сунъий интеллект, рақамли технологиялар, медиаторлар имкониятидан кенг фойдаланиш, масофавий воситачилик ва ярашув самарадорлигини мониторинг қилиш, нафақат тергов ва суд жараёнларида, балки жиноят ишини кўзғатишгача бўлган даврда ярашувни қўллаш имконини кенгайтириш бўйича процессуал шакллари соддалаштириш масалалари алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ярашув жараёнларини рақамлаштириш, рақамли технологиялар соҳасида мутахассисларни жалб қилишнинг янги ҳуқуқий механизмларини яратиш, ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган ишларни рақамли таҳлил қилиш, жараёнда автоматлаштирилган назоратни амалга оширишнинг самарали тартибларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ҳуқуқий тизимни либераллаштириш, ярашув институтини қўллаш кўламини кенгайтириш, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлаш, тергов ва суд юқини камайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2001 йилда қабул қилинган қонун билан ярашув институти жорий этилиб, суд жараёнларини енгиллаштиришга ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни яхшилашга эришилди. Статистик маълумотларга кўра, 2018–2024 йилларда 77476 жиноят иши бўйича 82152 шахс ярашув асосида жавобгарликдан озод қилинган. 2024 йилда биринчи инстанция судларида 61481 жиноят иши кўрилиб, 77995 шахсга жазо тайинланган бўлса, кўрилган ишлардан 20,6 % (12 675) ярашув асосида тугатилган. 2025 йилнинг биринчи ярмида биринчи инстанция

¹ <https://wjarr.com/sites/default/files/WJARR-2024-3978.pdf>

судларида жами кўрилган 30439 жиноят ишининг 18,7 % (5693) ярашув асосида тугатилган. Мазкур рақамлар ярашувни қўллашнинг сўнги йилларда камайиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу эса ярашув институтини қўллаш жараёнидаги муаммолар, жиноят ишини қўзғатмасдан, суднинг кейинги инстанцияларида ярашувни қўллаш механизмининг йўқлиги, замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш тартибининг мавжуд эмаслиги, ярашув институтини чуқур ўрганиш ва уни такомиллаштириш зарурлиги, шунингдек, Тараққиёт стратегиясининг 15-мақсадида ярашувни қўллаш доирасини кенгайтириш ислохотлардан бири сифатида белгиланганлиги соҳада янада чуқурроқ илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини англатади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) (1994), Жиноят кодекси (ЖК) (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3722-сон Қарори (2018), “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони (2022) ва ушбу соҳани тартибга солувчи бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада ёрдам беради.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ҳамда таълим соҳалари ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос келади.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ярашув институтини амалиётда қўллаш ва такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар А.А.Матчанов, Б.А.Ражабов, Б.Б.Муродов, Б.Б.Хидоятлов, Б.Н.Рашидов, Б.Х.Пўлатов, Ғ.А.Абдумажидов, Г.З.Тулаганова, Ғ.М.Абдусаломов, Д.Ю.Камалходжаев, Д.Б.Базарова, Д.Бекматова, Д.М.Миразов, Д.Р.Тўраева, Е.Н.Никифорова, З.Ф.Иноғомжонова, М.А.Ражабова, Н.М.Кушаев, Н.Н.Хайриев, О.Мадалиев, С.М.Ачилов, С.М.Рахмонова, С.Саҳаддинов, У.А.Тўхташева, Ш.А.Кулматов, Ш.Ф.Файзиев, Э.Х.Нарбутаев, Ю.С.Пўлатов каби миллий процессуалист олимлар, шунингдек, А.А.Отажонов, А.Г.Закирова, Б.Ж.Ахраров, Д.Ю.Пайзиев, Қ.Р.Абдурасулова, М.Ҳ.Рустамбоев каби олимлари томонидан

муайян даражада олиб борилиб, жиноят ва жиноят-процессуал жиҳатларига ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирганлар¹.

Улардан, С.Саҳаддинов, Д.Ю.Камалходжаев, З.Ф.Иноғомжоновалар илмий ишларида асосан тергов ва суд босқичида жиноий ишларга нисбатан ярашув институтини қўллаш жараёни ва норматив-ҳуқуқий асосларини ўрганишга эътибор қаратишган.

Ҳорижий мамлакат олимларидан А.А.Ларионова, А.А.Ширкин, А.Д.Сидельников, Б.И.Королев, Б.И.Поспелов, В.С.Харламов, Д.И.Чанкова, Е.Л.Комбарова, И.Н.Крапчатова, М.В.Нагуляк, М.С.Дикаева, О.А.Владимирова, О.А.Ястребов, О.В.Карягина, С.В.Денисенколар, С.И.Салпагаров, Т.В.Чернышева, Ц.А.Шамликашвили, Ю.В.Гушева, Я.А.Шараева, M.Lippman, Me Conville, M.Jerushalmi, Hillenbrand S. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган².

Ярашув билан боғлиқ ишни судга қадар юритиш ва суд амалиётида мавжуд муаммолар, салбий омилларни бартараф этиш, соҳага замонавий рақамли технологияларни жалб этиш орқали ушбу институтни янада ривожлантириш, шунингдек, терговга қадар текширувда жиноят ишини қўзғатмасдан ҳам ярашувни қўллашни амалиётга жорий этиш қандай натижа беришини ўрганиш мақсадида илмий тадқиқот ўтказиш заруратини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетиде илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва уни амалиётда қўллашни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади жиноят процессида ярашув институтини қўллаш муаммолари юзасидан комплекс илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигини ва ярашувни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

жиноят процессида ярашув ва ярашув институти тушунчаларини тадқиқ қилиш;

ярашув институтининг ривожланиш тарихини таҳлил қилиш;

ярашув институтининг ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий ва амалий баҳолаб, комплекс тадқиқ этиш;

ярашувга оид қонунчиликни таҳлил қилиш ҳамда амалиётдаги муаммоларни аниқлаш;

жиноят ишини қўзғатмасдан терговга қадар текширувда ярашув институтини қўллашни тадқиқ этиш;

¹ Тадқиқот ишлари тўлиқ рўйхати фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

² Тадқиқот ишлари тўлиқ рўйхати фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

юқори суд инстанцияларида ярашувни қўллашни тадқиқ этиш;
медиаторлар иштирокини ярашувга жорий қилиш бўйича қонунчиликка таклиф ва тавсиялар бериш, уларни қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш;
айрим хорижий тажрибани ўрганиш асосида ярашувни қўллашга оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар, ярашувга доир янги ҳужжат наъмуналарини ишлаб чиқиш;
ярашув жараёнларида сунъий интеллект (AI), blockchain ва электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланиш, жараённи автоматлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жиноят процессида ярашув институтининг қўлланилишини такомиллаштириш билан боғлиқ процессуал-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини жиноят процессида ярашув институтини қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги, шунингдек, жиноят-процессуал ҳуқуқидаги концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда тарихий, киёсий-ҳуқуқий таҳлил, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, жиноят ишларини ўрганиш, статистик маълумотлар таҳлили, тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ярашув билан боғлиқ ишларни юритишда қонунчиликка мувофиқ ваколатли ёки бошқа шахслар медиатор сифатида иштирок этиши амалиётини қонунийлаштириш ва такомиллаштириш зарурлиги асослантирилган.

ярашувга доир ишлар юзасидан жабрланувчи (фуқаровий даъвогар, қонуний вакил), гумон қилинувчи, айбланувчи ва медиаторлар иштирокида ярашув битимини тузиш, уни ишни кўриб чиқаётган орган раҳбари ва прокурор томонидан тасдиқлаш ҳамда ярашув битимини ярашувни мустаҳкамловчи асослар деб ҳисоблаш зарурлиги асослантирилган;

терговга қадар текширувда жиноят ишини қўзғатмасдан ярашув институтини қўллаш орқали жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан ишни судга қадар юритишнинг барча босқичларида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори орқали тамомлашни қонунчиликка киритиш зарурлиги асослантирилган;

ярашув тўғрисидаги ариза суднинг юқори инстанцияларида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса ёки жиноят ярашувга тушадиган моддага қайта малакаланганда суд уни дарҳол ярашув асосида кўриб чиқишини қонунчиликка киритиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жиноят ишини қўзғатмасдан терговга қадар текширув босқичида ярашувни қўллаш мезонлари ва бу билан жиноятларни, тергов, суддаги ишларни ҳажмини камайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини қўшимча кафолатлаш асосланган;

медиаторлар иштирокида ярашиш жараёни, ярашув битими тузиш, уни ХМҚО раҳбари ҳамда прокурор томонидан тасдиқлаш, расмийлаштириш қоидалари ишлаб чиқилган;

ярашувнинг моҳияти, тарафларнинг ҳуқуқ-мажбуриятларини жиноятга доир жиноят ишини ўз иш юритувига олган захоти тўлиқ тушунтириш ва давлат органлари томонидан ишни тугатиш мезонлари асослантирилган;

тарафларнинг суд мажлисида иштирокини истисно қилувчи ҳолатларда қатнаша олмаган вақтида ишни терговга қайтармасдан кўриш, шунингдек, судда ЖКнинг 66¹-моддасига қайта малакаланган жиноят ишларини ярашув асосида тугатиш мезонлари ишлаб чиқилиб, таклифлар берилган;

биринчи марта жиноят содир қилиб, судланмаган шахсларга нисбатан юритилган жиноят иши ярашув асосида тугатилганда, ИИВ Ахборот Марказидаги маълумотлардан чиқариб юбориш мезонлари ишлаб чиқилган;

терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва судда ярашувни кўллашнинг ҳуқуқий асослари, мавжуд муаммолар, қонунчиликдаги бўшлиқлар тадқиқ этилиб, ярашувни кўллаш самарадорлигини янги методлар билан баҳолаш зарурлиги асослантирилган;

бир неча жабрланувчи бўлган ишларда ярашувга рози бўлганлар қисми бўйича алоҳида иш юритиш ва процессуал чиқимларни қарорга кўшиш тартиби таклиф этилган;

ярашув жараёнларини рақамлаштириш ҳамда “my.gov.uz”, “E-Material”, “E-sud” ва “Ягона тергов ахборот тизими” (ЯТАТ) билан интеграция қилиш таклиф этилган. Ушбу платформаларга AI, blockchain ва ЭРИ технологияларини кўллаб, жараённи автоматлаштириш, жиноят ишларининг ярашувга мувофиқлигини автомат тартибда баҳолаш ва томонларнинг ярашишга хоҳишини прогноз қилиш, шаффофликни таъминлаш, коррупция хавфини пасайтириш, жиноятларни ярашув орқали ҳал қилиш кўрсаткичини 30-40% га ошириш, тергов органлари ва судлар юқини 50% га камайитириш мумкинлиги асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда халқаро ва миллий қонунчилик меъёрлари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни кўллаш амалиёти, шунингдек, социологик сўровлардан (193 нафар терговга қадар текширув органлари мансабдор шахслари, 250 нафар суриштирувчи ва терговчи, 106 нафар прокуратура органлари ходимлари, 31 нафар судьялар, 44 нафар адвокатлар, тадқиқотчилар ўртасида ўтказилган), амалиётчи (102 нафар) ходимларнинг фикрларидан фойдаланилган. Тадқиқотда 200 дан ортиқ жиноят ишлари ҳамда статистик маълумотлар таҳлил қилинган. Ишлаб чиқилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган ва етакчи миллий ҳамда халқаро нашрларда чоп этилган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар келгусидаги илмий фаолиятда, қонун

ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини шарҳлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш ва тергов амалиётини такомиллаштиришда, шу билан бирга, жиноят процесси, далиллар назарияси, жиноят ишларида адвокат иштироки, криминалистика, суд экспертизаси ва жиноятларни тергов қилиш услубиёти каби фанлардан ўқув машғулотларини олиб боришда ҳамда соҳага доир ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ярашув институтини қўллаш ва уни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

“Ярашув билан боғлиқ ишларни юритишда қонунчиликка кўра ваколатли ёки бошқа шахслар медиатор сифатида иштирок этишга жалб қилинади” - деган қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 582-моддасига учинчи қисм сифатида кiritиш ҳақидаги таклифи, шунингдек, ЖПКнинг 6-бобига янги 74¹-модда (Медиатор) ва 74²-модда (Медиаторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари)ларини киритиш ҳақидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 28 февралдаги 3/dп-42-сон далолатномаси*). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши ярашув билан боғлиқ ишларда медиаторларнинг имкониятларидан фойдаланиш орқали ярашувнинг барқарорлигини таъминлашга, такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ярашувни расмийлаштиришда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан ишни тугатишни сўраб берилган ариза, *жабрланувчи (фуқаровий даъвогар, қонуний вакил), гумон қилинувчи, айбланувчи ва медиаторлар иштирокида тузилган ҳамда ишни кўриб чиқаётган орган раҳбари ва прокурор томонидан тасдиқланган ярашув битими асос ҳисобланади* - деган қонуннинг Жиноят-процессуал кодексининг 582-моддасига тўртинчи қисм сифатида киритиш ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 28 февралдаги 3/dп-42-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши ярашув билан боғлиқ ишларда ярашув тўғрисидаги аризага қўшимча асос бўлиб, ярашув шартларининг тўлиқ бажарилганини, етказилган зарарларнинг қопланганлигини тасдиқловчи қўшимча асос сифатида хизмат қилган;

Терговга қадар текширувда жиноят ишини қўзғатмасдан ярашув институтини қўллаш орқали жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат

органлари ва мансабдор шахслари томонидан ишни судга қадар юритишнинг барча босқичларида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори орқали тамомлашни белгиловчи қондани ЖПКнинг 583-моддаси биринчи қисми, ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, ЖПКнинг 333-модданинг биринчи қисми, ЖПКнинг 584-моддаси биринчи қисмига киритиш ҳақидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 28 февралдаги 3/дп-42-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши ярашувни жиноят ишини қўзғатмасдан терговга қадар текширув вақтида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан қўллай олишига, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори билан ишни тамомлаш орқали тергов ва суддаги иш ҳажмининг камайишига хизмат қилган;

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида, шунингдек, “апелляция, кассация тартибида” суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади - деган қондани ЖПКнинг 583-моддаси тўртинчи қисмига киритиш ҳақидаги, шунингдек, жиноят иши суднинг қайси инстанцияларида кўрилаётганлигидан қатъий назар судья судланган шахснинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 66¹-моддаси таъсир доирасига тушадиган моддага қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида хулосага келган тақдирда, унинг қилмишини қайта квалификация қилиб, Ўз.Р. ЖПК 583-моддаси талаблари тўлиқ бажарилса ва тарафлар ярашган тақдирда ишни ярашув асосида тугатиш лозимлиги тўғрисидаги таклифлари Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тайёрлашда (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 28 февралдаги 3/дп-42-сон далолатномаси*) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармонининг 3-банди тўртинчи хатбошисини “шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганлигидан қатъий назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш” таҳририда ишлаб чиқишда фойдаланилган. (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг 2024 йил 14 августдаги 27/2-195-24-сон далолатномаси*). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши айблов хулосаси билан судга юборилган ишларда юқори инстанцияларда ярашувга ариза берилганда ҳамда қилмиш ярашувга

тушадиган моддага қайта малакаланганда, бу ишларга ярашувни қўллаш орқали унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларида муҳокамалардан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, 7 та илмий мақола (1 таси хорижий журналда), 4 та республика илмий-амалий конференция ва семинар материалларида тезислар, 2 та халқаро конференцияда мақола ва тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ўз таркибига кириш, етти параграфни олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Ярашув институти шаклланишининг генезиси ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида мазкур институтнинг вужудга келиши ва ривожланиши босқичлари, тушунчаси ва уни қўллашнинг аҳамияти, ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган.

Мазкур бобда тарихчи-ҳуқуқшунос Г. Мейн, И.Т.Тултеев, Е.Н.Никифорова, Д.Н.Ушакова, Е.А.Пубинштейн, Е.В.Ухова, Е.Носфева, У.Таджиханов, Б.Т.Акрамходжаев, Г.З.Тўлаганова каби процессуалист олимларнинг Қ.Р.Абдурасулова ва Д.Пайзиев каби жиноят ҳуқуқи назариячи олимларнинг ярашув институтининг ривожланиши, тушунчалари, аҳамиятига доир қарашлари ўрганилган. Диссертант ушбу қарашларни умумлаштирган, ярашувнинг ривожланиш тарихини тизимлаштирган ҳамда тушунчаларни такомиллаштирган. Шунингдек, тарихий манбалардан Бурхониддин Марғинович қаламига мансуд “Ҳидоя” ва Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб “Кифоя” номли фикҳ илмига доир манбаларга мурожаат

қилган ҳолда ярашувнинг диёримиз тарихида ривожланишини тадқиқ этган.

Тадқиқотда ярашув институтининг, ҳуқуқий асосларнинг шаклланиш тарихини Ўзбекистон ва дунё кесимида қуйидаги тартибда даврлаштирилиб ўрганилган: Ўзбекистонда - қадимги давр (м.авв 3-минг йиллик – м. V асрлар), ўрта асрлар (V-XV асрлар), мустанлакачилик ва мустақиллик даври (XIX-асрдан - XX асргача), ҳозирги давр (2001 йилдан ҳозиргача);

Дунёда- қадимги даврлар (м.авв 3-минг йиллик – м. V асрлар), ўрта асрлар (V-XV асрлар), уйғониш ва саноат инқилоби даври (XVII-асрдан - XIX асргача), ҳозирги давр (XX-XXI аср).

Муаллиф жаҳонда ва Ўзбекистон ҳудудида ярашувнинг ҳуқуқий асослари юзага келиши ва ривожланиш тарихини даврлаштириш жараёнида ҳар давр ўз ичига олган ҳуқуқий манбаларнинг рўйхатини тузган.

Дунёда қадимги даврга: а) Рим ҳуқуқи; б) Ҳаммурапи қонунларини, ўрта асрларга: а) Германия қонуни (ўрта асрларда Европада ярашув кўпинча компенсация тизими ва низоларни ҳал қилишда оиланинг ролини таъкидловчи ушбу қонунлар орқали амалга оширилган); б) Ўрта аср шаҳар ҳуқуқлари (шаҳарларда фуқаролар ўртасида ярашиш ва низоларни бошқариш тартибини белгилайдиган низомлар ишлаб чиқилган) ни, маърифат асри, яъни уйғониш даврига: инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган конституция ва декларацияни, замонавий-ҳозирги давр: а) Медиация ва арбитраж; б) Халқаро шартномалар ва ташкилотларни ўз ичига олган.

Ўзбекистонда : а) Ўрта асрлардан олдинги давр (Шариат, ислом ҳуқуқи); б) Одат ҳуқуқи (фармон, давлат ҳукмдорларининг қарор ва фармонлари, хон ва амирнинг уставлари ва фармонлари); с) Ўрта асрлар ва Олтин Ўрда ҳукмронлиги даври (шариат, ислом ҳуқуқи, Темур тузуклари, хонларнинг уставлари ва фармонлари, қози судлари); д) Россия империяси мустанлакаси даври (XIX-XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудлари Россия империяси таркибида бўлган даврда Россия империясининг фармонлари ва қонунлари, суд тизимини тартибга солувчи манбалар, ер ва мулк соҳасини тартибга солувчи қонунлар, уставлар); ф) Совет ҳуқумати даври; ж) Мустақиллик даврига бўлинган ҳолда таҳлил қилинган.

Диссертант ярашув институтининг ривожланишини тадқиқ этиш билан Ўзбекистон ҳудудида, айниқса ислом дини кириб келиши ва шариат қоидалари амалиётга жорий этилиши билан ярашувни қўллашнинг жуда мукамал ва адолатли тизими шаклланган, лекин бу тартиб ва одатларнинг бугунги қонунчилигимизда ўз ўрнини топмаган деб ҳисоблайди. Сабаби, бу даврда шариат қоидаларига асосланган ярашув тарафлар ўртасида адолат билан амалга оширилиб, барча тарафларнинг манфаатлари тенг ҳисобга олинган. Низолар бўйича тарафларнинг розилиги билан воситачиларнинг жараёнга аралаштирилиши, уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланилиши билан самарали ярашувга эришилган.

Тадқиқотчи ҳозирда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасидаги медиатор, воситачи каби тушунчаларнинг Ўзбекистон ҳудудида VIII асрдан (ислом динининг кириб келиши ва шариат қоидалари амалга кириши билан)

кенг қўлланилиб, хориж тажрибасидан кўра самаралироқ фойдаланилган деган хулосага келган. Чунки, бу даврда Ўзбекистон худудида халқ маданияти ютуқлари, анъаналари, ҳуқуқий тасаввурларига жиддий эътибор қаратилиб, ислом маданияти ва ҳуқуқи таркибига киритилган, фикр қоидалари асосида қабул қилинган.

Қадимдан диёримизда илмли, обрўли ва ҳурматга сазовор, шунингдек, тарафларни яраштириш салоҳиятига эга кишилар кўмагидан воситачи сифатида фойдаланиб, низоларни ҳал қилиш амалиёти кенг тарқалган, ҳозирги кунда ҳам давом этаётган бўлса-да, бу амалиёт бугунги кунга қадар такомиллаштирилмаган, қонунийлаштирилмаган, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаган. Бу амалиётнинг қонунийлаштирилмаганлигига мустамлакачилик даврида совет ҳукуматининг қоидалари амалда бўлганлиги ва мустақилликдан кейинги ҳуқуқий асосларнинг ҳам асосан шу қоидалар замирида ишлаб чиқилганлиги сабаб деган хулосага келинган.

Тадқиқотчи жиноят процессида ярашув институтини қўлланишининг аҳамиятига ва бир қатор муҳим омилларига эътибор қаратган. Жиноят процессида ярашув институтидан фойдаланишнинг муҳим омилларини қуйидаги турларга ажратган: 1) ярашув низоларни самарали ҳал қилиш имконини беради; 2) вақтни тежаш ва молиявий харажатларни камайтириш имконини беради; 3) жамоат тинчлигини таъминлаш, келгусида юзага келиши мумкин бўлган жиноятчиликнинг олдини олиш имконини беради. Томонларнинг келишиб, ўзаро ярашиб олиши узоқ ва оғир давом этувчи суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд жараёнларининг олдини олиш орқали ўртада адолатни қарор топишига, тотувликни тиклашга, бу орқали эса жамоат тартибини яхшилашга ёрдам беради; 4) судларда кўрилаётган ишларнинг сонини камайтиришга имконини беради; 5) томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиш имконини кенгайтиради; 6) такрорий жиноятларнинг олдини олиш имконини беради; 7) жабрланувчига компенсация тўланишини таъминлайди.

Муаллиф ярашув институти доимо бизнинг миллий маданиятимизга ва менталитетимизга хос бўлган деган фикрларини тасдиқлайди.

Тадқиқотда илмий адабиётларда кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ярашув институтига берилган турлича таърифлар таҳлил этилган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатини ўрганиб, “ярашув” ўзбек тилида “яраш” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “уруш-жанжални тўхтатиш, ярашиш” деган маънони билдиришини, ярашув сўзининг маъноси «низо, уруш сабабини бартараф этиб бўлгач вужудга келган келишув, ярашиш ҳолати» эканлигини тадқиқотида келтирган. Хорижий олимларнинг таърифларини таҳлил қилган.

Тадқиқотчи олимлар томонидан ярашув тушунчасига билдирилган таърифлар ярашувнинг барча элементларини қамраб ололмаганлигини, унга бериладиган таъриф ярашув институтининг қуйидаги: а) ярашувнинг фактик ҳолат эканлигини қайд этиши; б) ярашув жараёнини кўрсатиши; в) жиноят содир этган шахс жабрланувчига етказган зарарни қоплаши лозимлиги ҳақидаги хусусиятларини ўзида мужассам этиши зарур деган фикрларига

қўшилган.

Муаллиф ярашувнинг қонунчилигимизга киритилганига 24 йил бўлганига, олимлар томонидан турли кўринишдаги таърифлар берилган бўлишига қарамасдан жиноят кодексида ёки жиноят-процессуал кодексида “ярашув ҳамда ярашув институти” тушунчаларининг таърифи киритилмаганлиги изоҳлаб, ярашув ва ярашув институтининг муаллифлик таърифларини ишлаб чиқиб, алоқадор ва фарқли жиҳатларини ажратиб берган. Унга кўра:

Ярашув - жабрланувчи ва гумон қилинувчи ўртасида юзага келган жинойи ҳуқуқий низони тарафлардан ҳар иккала тарафнинг ёки бирининг ташаббуси билан ҳамда ҳар иккала тарафнинг ўзаро розилиги асосида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш ҳажми ва тартиби тўғрисидаги келишув.

Ярашув институти - бу жиноят ишларини юритишда жиноят содир этган шахс билан жабрланувчи ўртасида ярашишга қаратилган ҳуқуқий механизмдир. Унда айбланувчи ва жабрланувчи ўртасида келишувга эришиш орқали жиноят иши яқунланади ёки жиноят иши судга етказилмасдан тугатилиши мумкин.

Шунингдек, тадқиқотда “ярашув” ва “ярашув институти” тушунчаларнинг алоқадор ва фарқли жиҳатлари ажратилиб, қўйидаги натижаларга эришилган. Алоқадор жиҳатлар: а) иккала тушунча ҳам низони ҳал қилишга қаратилган, яъни ярашув ва ярашув институтининг мақсади жинойи ҳолатни мураса ва тинч йўл билан ҳал қилиш; б) қонунчиликка қўллашга асосланган механизмлари, яъни жиноят ишлари бўйича ярашув қонунчиликка мос равишда олиб борилади, бу ҳолда ярашув институти ушбу жараёни қонуний йўналтиришда воситачи вазифасини бажаради; с) томонлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришга йўналтирилган, яъни иккала тушунча ҳам томонлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва келгусидаги можароларнинг олдини олишга қаратилган.

Фарқли жиҳатлар: а) ярашув – жараён, ярашув институти – воситачи, механизм; б) ярашув - бу жабрланувчи ва гумон қилинувчи, айбланувчи ўртасидаги ярашув жараёни. Ярашув институти эса бу жараёни қонуний йўналтиришга ёрдам берувчи механизм ёки институтдир; с) иштирокчиларига кўра, ярашув жараёнида фақат икки томон - жабрланувчи ва айбланувчи иштирок этади. Ярашув институти эса томонлар ўртасидаги жараёни профессионал воситачи сифатида ташкил қилади; д) расмийлаштирилишига кўра, ярашув оддий келишув бўлиши мумкин, лекин ярашув институти орқали жараён юридик ҳужжатга айлантиради ва қонуний кучга эга бўлади.

Шу билан бирга, тадқиқотчи ярашувнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган объектив, субъектив шартларини таҳлил қилиб, объектив шартларига: а) шахснинг биринчи маротаба жиноят содир этганлиги; б) шахснинг ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган қилмишни содир этишини киритган.

Ярашувнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган субъектив шартларига: а) жиноят содир этган шахс ва жабрланувчининг ярашганлиги факти; б)

айбдорнинг зарарни қоплаганлигини киритган.

Ушбу бобда ярашув институтининг ҳуқуқий асослари батафсил ёритилган бўлиб, унинг қонунчиликдаги ўрни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланиши ва амалий қўлланишдаги ўзига хос жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинган.

Ярашув институтининг жиноят-процессуал асослари илмий нуқтаи назардан атрофлича тадқиқ этилган. Тадқиқотнинг асосий эътибори ярашув институтининг жиноят ҳуқуқи нормаларидаги ўрни ва унинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги мустаҳкамланиш жиҳатларига қаратилган.

Бобда ярашув институтининг жиноят-ҳуқуқий ва жиноят процессуал асослари миллий қонунчилик доирасида ва халқаро ҳуқуқ стандартлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилиб, унинг судгача ва суд жараёнларида қўлланиш механизми, процессуал тартиб-таомиллардаги ўзига хос хусусиятлари, ушбу институтни амалга оширишда юзага келадиган мураккаб масалалар ёритилган.

Илмий жиҳатдан, бобда ярашув институтининг жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал тизимдаги интеграцияси, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган назарий ва амалий таклифлар ҳамда ушбу институтнинг қонунчиликдаги ривожланиш истиқболларига доир мулоҳазалар келтирилган. Умуман, ушбу боб ярашув институтининг жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал асосларини чуқур ўрганишга қаратилган бўлиб, унинг амалиётдаги аҳамияти ва илмий-ҳуқуқий алоқадорлигига доир мукамал хулосалар тақдим этади.

Диссертациянинг **“Ярашув институтини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида ярашув институтини қўлланиш амалиёти таҳлили ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Тадқиқотда ярашув билан боғлиқ ишлардаги процессуал муаммоларни аниқлашда ҳамда аниқланган муаммоларни таҳлил қилишда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида фаолият юритувчи 102 нафар суриштирувчи, терговчи ва экспертларнинг фикрлари, шунингдек, ўтказилган сўровнома натижалари асос қилиб олинган.

Диссертант амалиётчиларнинг фикрлари ва сўровномалар натижалари таҳлилидан муқаддам судланган шахс эҳтиётсизлик билан яқин қариндошига нисбатан жиноят содир этган ҳолларда ярашувга йўл қўйилмаслигини, судда тарафлар ярашувдан бош тортганда иш прокурорга қайтарилиши иш юритиш муддатларини чўзилишига ва ортиқча юкламанинг юзага келишига сабаб бўлишини, шу сабабли ярашувга тушадиган баъзи ишлар муаммодан қочиш учун айблов хулосаси билан судга юборилаётганлигини аниқлаган.

Тадқиқотчи жиноят иши қўзғатилмасдан ярашув қўллаш лозимлигини таъкидлаб, ЖК 126¹ ва 266-моддалари бўйича ишларда томонлар терговга қадар текширувда ярашса-да, қонунчиликда буни қўллаш механизми йўқлиги сабабли жиноят иши қўзғатилиб, кейин ярашув билан тугатилишини, бу эса ортиқча иш юки эканлигини амалиётчиларнинг фикрлари билан асослаган.

Шу билан бирга, ЖПК 582-моддаси ярашув тартибини тўлиқ қамраб

олмагани, шу сабабли жиноятга доир ишларини юритишга масъул шахслар, иш юритувга қабул қилинганидан бошлаб тарафларга ярашувнинг моҳияти, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, медиаторларни жалб қилиш ва ярашув битимини расмийлаштириш тартибини жиноят-процессуал қонунчилигида аниқ белгилаш лозим деган хулосага келган.

Муаллиф воситачилар иштирокида ярашувни амалга ошириш халқимизга хос бўлса-да, бу жараёни тартибга солувчи нормалар йўқлигини ва ярашувни расмийлаштириш фақат жабрланувчининг аризаси билан чекланганини танқид қилган. Шунингдек, ярашув битимини медиаторлар иштирокида тузиб, уни ишни кўрувчи орган раҳбари ва прокурор томонидан тасдиқлаш тартибини қонунчиликка киритиш лозимлигига эътибор қаратган.

Тадқиқотда жиноят ишини кўзғатмасдан ярашувни амалга ошириш механизми йўқлиги сабабли, баъзи аризалар ЖПК 325-моддаси асосида нотўғри тугатилаётгани таъкидланган. Биринчи инстанция судида шахснинг ҳаракатлари ЖК 66¹-моддасига қайта малакаланганда ярашувни қўллаш мумкин эмаслиги ҳам камчилик сифатида кўрсатилган. Шунингдек, ЖПК 583-моддаси 4-қисмига кўра, бир нечта жабрланувчи бўлган ҳолларда улардан бири рози бўлмаса, ярашувни қўллаб бўлмаслиги бошқаларнинг ҳуқуқларини чеклаши таъкидланган.

Диссертант терговга қадар текширувда ярашув қўлланса, ЖПК 84-моддаси

4-қисми ва 333-моддаси суддан бошқа органларнинг ярашув билан ишни тугатиш ваколатини чеклашини, шунингдек, ИИВ Ахборот марказида жиноят иши ярашув билан тугатилган шахсларга оид маълумот сақланиб қолиши оқибатида муаммо туғилаётганини асослаган.

Диссертант ярашув институтининг амалиётда қўлланишини 2018-2025 йилнинг биринчи яримигача бўлган статистик маълумотлар кесимида таҳлил қилган. ЖКнинг 66¹-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган моддалар бўйича ярашув асосан 105, 109, 122, 168, 169, 266, 277-моддаларга нисбатан кўп қўлланилаётганлигини аниқлаган.

Суд статистикасининг сўнгги 6 йиллик маълумотлари таҳлилга кўра 2018 йилда 8 949 та жиноят иши бўйича 9486 нафар шахсга, 2019 йилда эса 6980 та жиноят иши бўйича 7329 нафар шахсга, 2020 йилда эса 7791 та жиноят иши бўйича 8266 нафар шахсга, 2021 йилда эса 12788 та жиноят иши бўйича 13624 нафар шахсга, 2022 йилда эса 14446 та жиноят иши бўйича 15315 нафар шахсга, 2023 йилда эса 13847 та жиноят иши бўйича 14698 нафар шахсга, 2024 йилда 12675 та жиноят иши бўйича 13434 нафар шахсга нисбатан ярашув қўлланилган.

Тадқиқотчи 2024 йилда биринчи инстанция судларида ярашув қўлланилган жиноят ишлари ва шахсларни 2023 ва 2022 йилларнинг шу даврига нисбатан солиштириб, 2022 йилда 14446 та жиноят иши бўйича 15315 нафар шахслар, 2023 йилда 13847 та жиноят иши бўйича 14698 нафар шахслар, 2024 йилда 12675 та жиноят иши бўйича 13434 нафар шахслар жазодан озод этилганлигини таҳлил қилиб, амалиётдаги муаммолар сабаб сўнги йилларда

ярашувни қўллаш камайиб бормоқда деган хулосага келган.

Муаллиф таҳлилларига кўра, 2022 йилда ярашув асосида тугатилган ишлар умумий жиноят ишларининг 25% ни, 2023 йилда 24% ни, 2024 йилда эса 20,6% ни ташкил этган. Муаллиф агар терговга қадар текширув босқичида ярашувни қўллаш имкони яратилса, судлардаги иш юқини камида 25% га қисқартириш мумкин деган хулосага келган.

Диссертант “Жиноят ишлари бўйича судларда қўрилган ишларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифи” бўйича сўнгги 6 йилик суд статистика маълумотларини таҳлил этиб 2024 йилда жазо тайинланган шахслардан 67 фоиздан ортиғини ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар ташкил этганлиги сабабли, “ярашувни қўллаш соддалаштирилса ва такомиллаштирилса жиноят содир этаётган шахсларнинг 50% дан кўп қисми жазодан озод этилиб, самарали профилактикасини ташкил қилишга эришиш мумкин” - деган хулосага келинган.

Диссертациянинг **“Жиноят процессида ярашув институтини қўллашни такомиллаштириш истиқболлари”** - деб номланган учинчи бобида жиноят процессида ярашув институтини қўллашга оид хорижий мамлакатларнинг тажрибаси, жиноят процессида ярашув тўғрисидаги ишларни юритишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари, ярашув институтни такомиллаштиришда рақамли технологияларни жалб қилиш истиқболлари таҳлил этилган.

Тадқиқотчи ушбу бобда жиноят процессида ярашув институтини қўллаш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилган. Хусусан, АҚШ, Канада, Европа давлатларидан Австрия, Германия, Финляндия, Полша, Франция, Белгия, шунингдек, Россия, Япония, Сингапур сингари давлатнинг ярашув институтини қўллаш билан боғлиқ тажрибаларини таҳлил қилган ва уларнинг амалиёти мисолида ярашув институтининг ҳуқуқий асослари, қўлланиш шартлари ҳамда процессуал хусусиятлари ўрганилган.

Таҳлил давомида мазкур мамлакатларда ярашув институтини амалга оширишда суд ва прокуратура органларининг ўрни, медиаторлар фаолияти, жиноят ишини тугатиш асослари ва жабрланувчининг розилиги каби муҳим мезонлар солиштирма тарзда кўриб чиқилган. Шунингдек, хорижий амалиётда ярашув жиноят содир этган шахсни жамиятга қайта мослаштириш воситаси сифатида самарали фойдаланилаётганлиги таъкидланган.

Тадқиқотчи хорижий тажрибани миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қилиб, Ўзбекистонда ярашув институтини такомиллаштириш учун қатор илмий-назарий ва амалий хулосаларни илгари сурган. Хусусан, жиноят процессида ярашувни қўллашни янада соддалаштириш, медиаторлар институтини қонунийлаштириш ва жабрланувчи ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасида хорижий тажрибадан фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган. Тадқиқотда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш ва хорижий тажрибани ярашув институтига мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Муаллиф томонидан ушбу бобда жиноят процессида ярашув институтини

такомиллаштиришда рақамли технологияларнинг ўрни ва уларни қўллаш истиқболларини илмий асосда таҳлил қилинган. Рақамли трансформация жараёнларининг жиноят ишларини кўриш ва ярашув жараёнларига таъсирини, хусусан “E-material”, “E-sud”, “ЯТАТ”, “my.gov.uz” каби миллий электрон тизимларнинг аҳамиятини ёритиб берган. Шунингдек, сунъий интеллект (AI), блокчейн, онлайн ярашув, смарт-контрактлар ва виртуал мулоқот муҳитлари орқали ярашув жараёнларини автоматлаштириш имкониятлари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Диссертант ярашув институтини такомиллаштиришда рақамли технологиялар (AI, blockchain, онлайн платформалар) ва “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасидаги имкониятларни ёритиб, уларнинг ярашув жараёнларини тезлаштириш, шаффофликни ошириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш ва адолатлиликни таъминлашдаги аҳамиятини асослаб берган. Ўзбекистонда мавжуд “E-material”, “E-sud”, “my.gov.uz” ва ЯТАТ каби тизимларнинг интеграцияси, ЭРИ, видеоёзув ва онлайн ярашув орқали жараёнларни самарали бошқариш имконини кўрсатган.

Тадқиқотда рақамли технологияларни жиноят процессига жорий этишнинг ҳуқуқий, ташкилотчилик ва ахборот хавфсизлиги жиҳатлари таҳлил қилинган ҳамда хорижий тажрибалар билан қиёсий ўрганилган. Муаллиф рақамли медиаторлар фаолиятини тартибга солиш, онлайн низоларни ҳал этиш платформаларини яратиш, рақамли далиллар билан ишлашда шаффофликни таъминлаш каби долзарб масалаларга эътибор қаратган.

Хорижий тажриба (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция) мисолларида AI ва рақамли платформаларнинг оғир бўлмаган жиноятларда ярашувни қўллашдаги муваффақиятини таҳлил қилиб, Ўзбекистонда рақамли технологияларни ярашув институтига босқичма-босқич жорий этиш бўйича илмий-назарий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, рақамли ярашув платформасини ишлаб чиқиш, сунъий интеллект орқали ярашув эҳтимолини баҳолаш тизимини яратиш, медиаторлар фаолиятини онлайн амалга ошириш ҳамда фуқаролар учун электрон ҳуқуқий ёрдам хизматини ташкил этиш билан қулайликлар яратиш каби тавсиялар илгари сурилган. Шу орқали ярашув институтини рақамли ҳуқуқий муҳит билан уйғунлаштириш орқали унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари асослаб берилган.

ХУЛОСА

Илмий тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги назарий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий асосларга оид хулосалар

1. “Ярашув”, “ярашув институти” ва медиатор тушунчаларга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Ярашув - жиноят содир этган шахснинг ўз айбига иқрор бўлиши, қилмишининг оқибатларини англаб, етказилган зарарни қоплаши асосида,

жабрланувчининг ихтиёрий розилиги билан тарафлар ўртасида тазйиқларсиз тузилган келишув.

Ярашув институти - бу жиноятга доир ишларни юритишда жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс (шахслар) ўртасида ярашишга қаратилган махсус ҳуқуқий механизмдир.

Медиатор - ишни ярашув йўли билан ҳал этиш, ўзаро келишувга эришиш ва адолатли ечим топиш учун иштирок этувчи, холис шахс. Медиатор сифатида махсус ваколатга эга бўлган шахслар, шунингдек, жабрланувчи ҳамда шикоят аризаси берилган шахс, гумон қилинувчи ва айбланувчини яраштириш имкониятига эга бўлган бошқа шахслар жалб этилиши мумкин.

2. Ярашув институтининг шаклланиш тарихи 4 босқичга бўлиб даврлаштирилди.

3. Ярашувнинг шаклланиш тарихини тадқиқ этиш билан қуйидаги хулосаларга келинди:

Ҳозирда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасидаги медиатор, воситачи каби тушунчаларнинг Ўзбекистон ҳудудида VIII асрдан (ислом динининг кириб келиши ва шариат қоидалари амалга кириши билан) кенг қўлланилиб, ҳозирги тажрибасидан кўра самаралироқ фойдаланилган деган хулосага келинди.

Бу даврда Ўзбекистон ҳудудида халқ маданияти ютуқлари, анъаналари, ҳуқуқий тасаввурларига жиддий эътибор қаратилиб, ислом маданияти ва ҳуқуқи таркибига киритилган, фикҳ қоидалари асосида қабул қилинган.

Қадимдан ҳурматга сазовор кишилар кўмагида воситачи сифатида низоларни ҳал қилиш амалиёти кенг тарқалган бўлса-да, бу амалиёт бугунги кунга қадар такомиллаштирилмаган, қонунийлаштирилмаган, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаган.

II. Қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар

Ярашув институтини такомиллаштириш учун ЖПК 62-бобига тегишли ўзгартишларни киритиш, хусусан:

1. ЖПКнинг 582-моддаси гипотезасини ўзгартириш, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирган ҳолда янги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилади:

“582-модда. Ярашилганлиги муносабати билан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари ва ярашувни расмийлаштириш тартиби

Ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритишга терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд масъулдир. Улар ишни юритувга қабул қилган вақтдан бошлаб, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили, гумон қилинувчи ва айбланувчига ярашувнинг мазмун-моҳиятини, унга бўлган ҳуқуқ-

мажбуриятларини тушунтиради, ярашув тўғрисидаги ариза ва ярашув битимини тасдиқлашда иштирок этади, шунингдек, жараёнга медиаторларни жалб қилади.

Ярашув билан боғлиқ ишларни юритишда қонунчиликка кўра ваколатли ёки бошқа шахслар медиатор сифатида иштирок этишга жалб қилинади.

